

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА САНОАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА УНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Яхшиликков Жасур

Самарқанд давлат университети мустақил изланувчиси

E-mail: [yaxshilikovjasur@gmail.com](mailto:yaxshilikovjasur@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Самарқанд вилояти саноат тармоқларининг ривожланиш тенденциялари, тармоқнинг таркибий қисмлари ва уларнинг вилоят саноатидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати ва таркиби батафсил ёритилиб берилган. Бундан ташқари, вилоятда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари ва уларнинг ўсиш суръати динамикалари чуқур статистик таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳудудий саноатнинг статистик таҳлиллари асосида уни янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** саноат тармоғи, саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари, ўсиш тенденцияси, ялпи ҳудудий маҳсулот, статистик таҳлил.

**Аннотация.** В статье подробно описаны тенденции развития промышленных секторов Самаркандской области, составные части отрасли и их удельный вес в промышленности региона, состояние и структура производства. Кроме того, проведен углубленный статистический анализ динамики производства промышленной продукции, товаров народного потребления и темпов их роста на душу населения в регионе. Также на основе статистического анализа отрасли региона разработаны предложения по ее дальнейшему развитию.

**Ключевые слова:** промышленный сектор, промышленные товары, товары народного потребления, тенденции роста, валовой региональный продукт, статистический анализ.

**Abstract.** This article describes in detail the development trends of industrial sectors of Samarkand region, the components of the industry and their share in regional industry, the state and structure of production. In addition, an in-depth statistical analysis of the dynamics of industrial products, consumer goods and their growth rates per capita in the region. Also, on the basis of statistical analysis of the regional industry, proposals for its further development have been developed.

**Key words:** industrial sector, industrial products, consumer goods, growth trends, gross regional product, statistical analysis.

### Кириш

Глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланган саноатда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, инновацион омиллар ролини янада ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларидаги харажатларни қисқартириш, юқори технологияли маҳсулотларни диверсификациялаш, ҳамда замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Республиканинг барча ҳудудларида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Албатта, ушбу ислохотларнинг самарасини ошириш ва саноатни ривожлантиришнинг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқиш илмий ёндашувлар асосида эришилади. Айниқса, мезодаражада иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида ҳудуд иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш, реал секторлар ҳолати, ички ва ташқи бозорлар конъюнктураси, глобал

ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда тармоқларни ривожлантириш стратегиялари ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва ҳолатини баҳолашнинг замонавий индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий натижалардан самарали фойдаланиш бўйича амалиётда қатор муаммолар мавжуд.

Шу боис, мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида холис ва ишончли акс эттиришни таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4796-сон қарори [1] қабул қилинганлиги айнан шу каби муаммоларни ечиш бўйича қилинаётган амалий ҳаракатларнинг янги босқичи бўлди, десак муболоға бўлмайди.

Мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун иқтисодиёт, хусусан ҳудудий sanoat тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини чуқур ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш асосида уни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ошиб бормоқда.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Саноатнинг ривожланиш тенденцияларини статистик таҳлил қилиш ва уни барқарор ривожлантиришнинг янги йўналишларини илмий асослаш борасида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт базавий тармоқлари ривожланиши ва ҳудудий инновацион лойиҳаларни таҳлил қилиш бўйича Б.Б. Беркинов [2], ҳудудларда sanoat маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми, улуши, ўсиш динамикаси, ҳудудларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулоти, ўсиш динамикаси ҳудудлараро ва республика кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлиллар ва ҳудудлар бўйича устувор вазифалар бўйича Б.Б. Салимов [3] илмий тадқиқот олиб борган.

Шунингдек, Н. Махмудов, А. Қосимов [4] ва С. Хомидовлар [5] sanoat тармоқлари иқтисодий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини янада такомиллаштириш, ривожланиш тенденциясига омиллар таъсирини ва ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш бўйича тадқиқотларни амалга оширган.

Бундан ташқари, техник ва технологик янгилаш асосида sanoat корхоналарини ривожлантиришнинг методологик жиҳатларини А.У. Бурханов [6] ҳамда sanoat тармоқларининг ривожланиш истиқболларини статистик ўрганишни В.В. Глинский, Л.К. Серга, Ю.Н. Исмайлова ва К.А. Зайковлар [7] тадқиқ этган.

Хорижий олимлардан Sunita Chitkara ва Charvi Nagpal [8] ишлаб чиқариш секторлари ривожланиши ва жамоат инфратузилмаси ўртасидаги боғлиқликнинг рақамли таҳлилинини амалга оширган бўлса, Shyam Upadhyaya ва Petra Kynclova [9] "Big Data"нинг долзарблиги ва sanoat статистикасига таъсирини тадқиқ этган.

Саноат ривожланишининг белгиловчи омиллар таҳлили бўйича Z. Maroof, S. Hussain, M. Jawad, M. Nazlar [10] ҳамда G.A. Fuentes Barrera, X.G. Durany, J.R. Pons, J.G. Guerrero Erazolar [11] sanoat ривожланишининг глобал тенденцияларини тадқиқ этган.

M. Shamsuzzaman, A. Shamsuzzoha, A. Maged, S. Haridy, H. Bashir, A. Karim [12], A. Montazeri, M.H. Ansarizadeh ва M.M. Arefilar [13] sanoat ишлаб чиқариш жараёнларини статистик кузатув усуллари ва мониторинг қилиш ҳамда таҳлил қилиш учун маълумотларга асосланган статистик ёндашувларни такомиллаштиришни тадқиқ этган.

Фикримизча, sanoat ишлаб чиқаришининг илмий жиҳатдан асосланган равишда таҳлил этиш ва режалаштириш, унинг самарадорлигини аниқлаш ҳамд бошқариш учун

мега ва мета даражалардан кўра, мезо ва макро даражаларда яъни, мамлакат ҳудудлари даражасида илмий тадқиқ этиш, уни статистик жиҳатдан таҳлил қилиш, маълумотларни қайта ишлаш асносида ҳудудий саноатни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш лозим.

#### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида эксперт баҳолаш, гуруҳлаш, таққослаш, тизимли таҳлил, статистик жадвал ва диаграммалар каби тадқиқот усуллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Самарқанд вилояти статистика бошқармаларининг расмий статистик маълумотлари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларидан фойдаланилди.

#### Таҳлил ва натижалар

Маълумки, Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Ер майдони 16,8 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси жорий йил бошига 3947,7 минг кишини ташкил этган.

Таҳлилларга кўра, 2020 йилда республика ЯИМ 602551,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, уни шакллантиришда Самарқанд вилоятининг улуши 7,27 фоизни ёки 43834,7 млрд. сўмни ташкил этган. Шу даврда ЯИМнинг ўсиш суръати 101,7 фоизни ташкил этган бўлиб, республика ҳудудларида ЯҲМнинг ўсиш суръати ўртача 102,8 фоизни, мазкур кўрсаткич Самарқандда 102,4 фоизни ташкил этган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ 11204,0 минг сўмни ва унинг ўсиш суръати эса 100,5 фоизни ташкил этган.

#### 1-жадвал

### Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби (фоизда)

Тармоқлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
											<i>Шу жумладан:</i>
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	98,3	98,3	98,2	98,4	98,5	98,4	98,6	98,5	98,3	97,1	97,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	1,7	1,7	1,8	1,6	1,5	1,6	1,4	1,5	1,7	2,9	2,1
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги</b>	<b>56,4</b>	<b>54,4</b>	<b>50,6</b>	<b>48,7</b>	<b>50,0</b>	<b>49,9</b>	<b>49,3</b>	<b>49,6</b>	<b>47,5</b>	<b>44,6</b>	<b>45,3</b>
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>12,0</b>	<b>11,9</b>	<b>13,8</b>	<b>15,9</b>	<b>15,8</b>	<b>16,6</b>	<b>16,2</b>	<b>16,4</b>	<b>19,4</b>	<b>19,2</b>	<b>20,0</b>
Саноат	7,4	7,5	9,4	10,7	11,1	11,7	11,9	12,4	14,8	13,9	14,2
Қурилиш	4,6	4,4	4,4	5,2	4,7	4,9	4,3	4,0	4,6	5,3	5,8
<b>Хизматлар</b>	<b>31,6</b>	<b>33,7</b>	<b>35,6</b>	<b>35,4</b>	<b>34,2</b>	<b>33,5</b>	<b>34,5</b>	<b>34,0</b>	<b>33,1</b>	<b>36,2</b>	<b>34,7</b>
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4,8	5,2	5,8	5,8	6,1	6,2	6,2	6,2	6,1	6,4	6,4
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	4,8	5,0	6,0	6,2	5,9	5,0	7,2	7,2	6,5	6,2	6,0
Бошқа хизмат тармоқлари	22,0	23,5	23,8	23,4	22,2	22,3	21,1	20,6	20,5	23,6	22,3

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Вилоятнинг ЯҲМ таркибида тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматида энг юқори улушни қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 45,3 фоизни ташкил этган бўлсада,

мазкур кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 11,1 фоизга камайган. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) улуши эса 20,0 фоизни, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 8,0 фоизга кўпайган. Хизматлар соҳасининг улуши 34,7 фоизни ташкил этган бўлиб, мазкур соҳанинг улуши 2010 йилга нисбатан 3,1 фоизга ошган (1-жадвал).

Таҳлиллар ЯХМ таркибида саноат (қурилишни қўшган ҳолда)нинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми сўнги 10 йилда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳиссасига нисбатан энг юқори ўсиш суръатига эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ЯХМ таркибида саноатнинг ҳиссаси 2020 йилда 14,2 фоизни, 2010 йилда эса 7,4 фоизни ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 6,8 фоизга кўтарилган. Бу вилоятда саноатнинг жадал ривожланаётганлигини кўрсатади.

Жорий даврда вилоятда жами 38946 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) фаолият юритмоқда. Шундан 3213 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 6971 таси саноат, 3079 таси қурилиш ва 25683 таси хизматлар соҳасидаги корхоналарни ташкил этади.

Шунингдек, бугунги кунда вилоятда 1908 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 314 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 413 таси саноатда, 166 таси қурилишда ва 1015 таси хизматлар соҳасида фаолият юритмоқда.

Вилоят саноат корхоналари томонидан 2020 йилда 18072,8 млрд. сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 102,3 фоизни ташкил этган). Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 8,9 мартага ошган. Жами саноат маҳсулотларининг 95,9 фоизи қайта ишлаш саноати ва 4,1 фоизи қазиб олувчи саноат ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят туман (шаҳар)ларининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги энг юқори улуш Самарқанд шаҳри (жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуш 44,6 %), Жомбой тамани (11,6 %), Ургут тамани (9,0 %) ва Самарқанд туман (7,8 %)лари ҳиссасига тўғри келган бўлса, энг паст улуш Қўшработ (0,3 %) ва Нуробод (1,2 %) туманларига тўғри келган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Самарқанд вилояти ҳудудлари бўйича саноат маҳсулотлари ҳажми динамикаси (млрд. сўм)

№	Ҳудудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Самарқанд ш.	1199,8	1418,8	1471,6	1716,5	2315,5	2840,0	3111,3	3792,2	5852,1	6827,1	8052,5
2	Каттақўрғон ш.	49,6	66,9	75,2	91,2	114,5	147,4	159,1	190,0	199,4	298,1	359,1
3	Оқдарё	39,1	46,4	56,2	68,0	86,1	126,6	161,1	201,5	192,5	200,5	334,0
4	Булунғур	15,6	16,7	34,0	51,0	112,0	168,7	317,0	395,8	517,2	566,9	519,0
5	Жомбой	71,4	117,7	375,2	487,7	618,6	560,7	636,3	1029,5	1980,9	2588,2	2101,1
6	Иштихон	45,1	52,4	60,4	67,5	74,5	125,7	176,2	199,2	148,4	229,3	352,2
7	Каттақўрғон	59,5	60,6	82,3	100,2	113,2	125,2	220,3	266,8	250,5	267,4	431,5
8	Қўшработ	13,2	13,7	14,5	17,7	21,3	58,9	68,8	81,2	25,5	51,7	45,9
9	Нарпай	90,8	120,3	127,8	144,1	157,5	187,9	233,0	275,2	223,6	388,0	596,5
10	Пайариқ	53,6	60,2	81,2	90,3	113,9	149,9	195,3	241,7	177,4	218,1	354,5
11	Пастдарғом	69,6	97,8	125,4	139,6	168,0	227,3	318,1	408,0	396,0	509,3	582,9
12	Пахтачи	47,4	52,6	52,5	58,3	74,3	104,2	127,3	132,6	158,5	206,7	356,6
13	Самарқанд	95,6	132,0	224,2	298,3	373,7	401,7	596,0	661,6	1030,3	1450,3	1402,0
14	Нуробод	7,5	8,6	10,9	12,2	18,7	46,3	78,9	90,7	39,5	173,6	212,8
15	Ургут	116,3	175,6	306,2	399,8	459,8	630,3	582,4	686,6	1039,1	1381,7	1629,1
16	Тайлоқ	37,2	45,3	124,5	137,7	144,8	194,8	465,1	589,4	1257,2	426,7	743,1
	<b>Жами:</b>	2011,2	2485,6	3222,0	3880,1	4966,4	6095,5	7446,0	9242,0	13488,1	15783,6	18072,8

*Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.*

Вилоятнинг ишлаб чиқарадиган саноатида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (жами ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 28,7 %), тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (20,6 %), автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим

прицеплар ишлаб чиқариш (15,1 %) ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш (10,2 %) тармоқлари етакчилик қилади (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Самарқанд вилоятида ишлаб чиқариш саноатининг таркиби (фоизда)**


№	Ишлаб чиқарадиган саноат	2010	2012	2014	2016	2018	2020
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	25,8	26,6	26,0	30,2	28,9	28,7
2	Ичимликлар ишлаб чиқариш	1,1	1,0	1,0	1,0	1,1	1,1
3	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15,4	11,8	12,1	10,8	11,2	10,2
4	Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	20,4	19,7	19,1	20,5	16,7	20,6
5	Кийим ишлаб чиқариш	3,1	2,9	3,0	2,6	2,6	3,4
6	Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1,0	1,3	1,3	1,2	1,2	1,2
7	Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
8	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,8	0,7	0,8	0,8	0,8	0,5
9	Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,3	0,2	0,2	0,2	0,2	0,1
10	Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
11	Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1,5	1,2	1,3	1,1	1,2	1,0
12	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	0,6	0,5	0,5	0,5	0,4	0,5
13	Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1,4	1,8	1,6	2,2	2,4	1,8
14	Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	4,4	4,3	4,4	4,3	4,0	5,9
15	Металлургия саноати	3,2	3,6	3,8	3,8	3,8	5,0
16	Машина ва усқуналардна ташқари тайёрметалл буюмлар ишлаб чиқариш	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	1,4
17	Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,2
18	Электр усқуналар ишлаб чиқариш	1,8	1,8	1,8	1,7	1,6	2,0
19	Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва усқуналар ишлаб чиқариш	0,3	0,3	0,3	0,3	0,2	0,2
20	Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	15,8	19,0	19,8	15,7	20,8	15,1
21	Бошқа транспорт усқуналари ишлаб чиқариш	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0
22	Мебель ишлаб чиқариш	0,9	1,1	1,1	1,1	1,1	0,9
23	Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,7	0,6	0,6	0,6	0,5	0,1
24	Машина ва усқуналарни тамирлаш ва ўрнатиш	0,3	0,2	0,2	0,2	0,2	0,1

*Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.*

Вилоятнинг Иштихон (121,1 %), Нарпай (120,6 %), Нуробод (115,5 %), Пахтачи (113,7 %), Пастдарғом (111,9 %), Оқдарё (111,5 %), Булунғур ва Пайариқ (109,6 %) туманларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари юқорилиги кузатилган бўлса, Самарқанд (98,2 %) ва Жомбой (86,1 %) туманларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсиш суръатининг паст даражалари қайт этилган (1-расм).

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати эса Пайариқ (262,6 %), Булунғур (190,0%), Оқдарё (172,5 %), Нуробод (141,7 %) ва Жомбой (132,2 %) туманларида юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Қаттақўрғон (88,4 %) шахрида ўтган даврга нисбатан пасайиш кузатилди.

Ишлаб чиқариш саноати таркибида вилоят ҳудудларининг улуши яъни, юқори улуш Самарқанд (42,7 %) шахри ва Жомбой (12,2 %) тумани ҳиссасига тўғри келган бўлса, паст кўрсаткич Оқдарё (1,9 %), Пахтачи (1,7 %), Нуробод (1,2 %), Самарқанд (0,8 %) ва Қўшрабат (0,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келган (1-расм).



**1-расм. Самарқанд вилояти туманлари бўйича айрим миқдор кўрсаткичлар (фоизда).**

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2010-2020 йиллар мобайнида вилоят ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми ўртача Самарқанд шаҳри (6676,3 минг сўм, ўсиш суръати 107,9 %), Каттақўрг'on (1833,5 минг сўм, 114,0 %) шаҳри ва Оқдарё (975,5 минг сўм, 109,7 %), Булунғур (2217,8 минг сўм, 121,8 %), Жомбой (4902,4 минг сўм, 112,4 %), Иштихон (601,6 минг сўм, 111,4 %), Каттақўрг'on (809,7 минг сўм, 109,9 %), Қўшрабoт (403,7 минг сўм, 116,9 %), Нарпай (1084,6 минг сўм, 111,5 %), Пайариқ (673,4 минг сўм, 109,3 %), Пастдарғом (828,3 минг сўм, 109,2 %), Paxтaчи (906,5 минг сўм, 111,1 %), Самарқанд (2500,9 минг сўм, 119,7 %), Нурoбoд (644,0 минг сўм, 134,6 %), Ургут (1408,3 минг сўм, 114,2 %) ҳамда Тайлоқ туманларида (1685,1 минг сўм, 120,1 %)ни ташкил этади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Самарқанд вилояти ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари динамикаси (минг сўм)**


№	Ҳудудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Самарқанд ш.	2972,7	2853,0	2927,9	3388,2	4528,7	5499,6	5958,1	7200,0	10960,6	12485,6	14664,8
2	Каттақўрг'on ш.	630,5	837,5	930,7	1119,9	1385,8	1757,3	1717,2	2196,9	2281,1	3326,5	3985,1
3	Оқдарё	311,0	346,1	411,8	488,5	606,0	871,7	1088,3	1332,3	1249,3	1263,2	2762,1
4	Булунғур	102,2	106,6	213,8	314,1	674,5	992,3	1780,8	2233,9	2860,1	3042,9	12075,2
5	Жомбой	519,3	836,0	2616,6	3326,7	4118,4	3647,9	4055,3	6390,3	11981,8	15056,6	1377,4
6	Иштихон	222,5	246,7	279,0	306,2	331,0	546,6	770,8	831,6	605,8	905,5	1572,0
7	Каттақўрг'on	265,7	263,2	351,1	419,0	463,6	502,3	893,6	1029,6	947,8	981,9	2788,6
8	Қўшрабoт	125,6	126,7	130,7	156,0	182,9	494,3	569,5	653,6	201,3	394,2	1406,4
9	Нарпай	514,5	654,7	687,4	763,8	820,1	959,2	1184,8	1353,7	1081,2	1826,8	2084,9
10	Пайариқ	259,6	284,1	376,9	412,4	510,9	659,0	866,5	1022,1	735,2	874,0	1406,9
11	Пастдарғом	243,4	329,4	414,8	452,6	533,1	706,1	982,2	1216,4	1156,3	1441,9	1634,7
12	Пaxтaчи	383,1	417,3	412,3	451,9	567,2	782,4	962,5	965,1	1132,8	1436,4	2460,8
13	Самарқанд	327,9	621,4	1035,8	1352,1	1655,5	1744,8	2492,8	2766,9	4226,4	5766,7	5519,9
14	Нурoбoд	62,0	68,3	84,9	93,2	139,4	337,5	568,5	635,7	271,4	1158,8	3664,3
15	Ургут	290,5	422,4	721,9	922,6	1037,2	1387,7	1238,5	1442,3	2128,8	2724,2	3175,0
16	Тайлоқ	232,4	271,7	732,7	792,9	814,7	1071,1	2553,8	3105,6	6486,1	2128,4	347,1
	<b>Жами:</b>	<b>629,5</b>	<b>753,6</b>	<b>960,8</b>	<b>1136,8</b>	<b>1427,1</b>	<b>1717,3</b>	<b>2058,1</b>	<b>2507,5</b>	<b>3587,8</b>	<b>4070,0</b>	<b>4619,4</b>

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш таркибида 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари 35,9 фоизни ёки 4194,9 млрд. сўмни, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво

маҳсулотлари 1,4 фоизни ёки 157,1 млрд. сўмни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари эса 62,7 фоизни ёки 7325,8 млрд. сўмни ташкил этади. 2010-2020 йиллар мобайнида мазкур sanoat тармоғи таркибида ўртача озиқ-овқат маҳсулотлари 37,3 фоиз, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво маҳсулотлари 1,7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 61,0 фоизни ташкил этил келган.

Таҳлилларга кўра, 2010-2020 йиллар мобайнида вилоят ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол моллари ҳажми ўртача ҳисобда энг юқори миқдорлар яъни, Самарқанд шаҳрида 4281,2 минг сўм, Самарқанд туманида 1734,1 минг сўм, Жомбой туманида 1480,0 минг сўм, Тайлоқ туманида 1378,6 минг сўм, Каттақўрғон шаҳрида 1262,7 минг сўм, Булунғур туманида 1211,9 минг сўм ва Ургут туманида 1096,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич Пайариқда 381,0 минг сўм, Нурободда 375,2 минг сўм, Иштихонда 356,0 минг сўм ва Қўшрабодда 232,9 минг сўмни ташкил этган (2-расм).



**2-расм. Самарқанд вилояти туманлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари ҳажми ва ўсиш суръати**

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010-2020 йиллар мобайнида вилоят ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг ўсиш суръати ўртача ҳисобда энг юқори кўрсаткичлар Нуробод (148,9 %), Булунғур (133,1 %), Пайариқ (126,2) ва Тайлоқ (125,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келган. Энг паст кўрсаткичлар эса Нарпай (104,2 %) ва Ургут (102,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келган.

### Хулоса ва таклифлар

Вилоят sanoat тармоқлари ривожланиш тенденцияси ва уларни таркибий жиҳатдан статистик таҳлил қилиш асосида уни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Вилоят ЯҲМ таркибининг 45,3 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, sanoat маҳсулотлари эса 14,2 фоизни ташкил этади. Бу вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун арзон хомашё кўплигини англади. Шу боис,

вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш лозим;

2. Вилоятнинг туризмбоп ҳудудлигини ҳамда ички ва ташқи бозорга чиқиш учун қулай логистика инфратузилмасини ҳисобга олиб, миллий саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида чет эл инвесторларини жалб этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур;

3. Мавжуд саноат корхоналарини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак;

4. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқиб, замонавий технологиялар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга банк ва бошқа манбалар орқали молиялаштиришни жадаллаштириш лозим;

5. Рақамли технологиялар асосида онлайн саноат маҳсулотлари бозорини такомиллаштириш ҳамда уни ҳалқаро даражага олиб чиқиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда саноат тармоқларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар юқори даражадаги самарадорликка эга бўлиб, бу сўнги йилларда Самарқанд вилояти саноати тармоқларида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларда яққол ифодасини топмоқда. Аммо, бу вилоятда саноатнинг ривожланганлигини англатмайди. Республиканинг бошқа ҳудудлари каби вилоят саноатини янада ривожлантиришда мавжуд имкониятларни сафарбар этиш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади. Хусусан, саноат корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажмини янада кўпайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирилишини жадаллаштириш, тармоқлараро саноат кооперацияси ва саноатда таркибий қайта ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификациялаш, саноат маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни изчил давом эттириш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори, <https://lex.uz>

2. Беркинов Б.Б. Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил, 1-16 б.

3. Салимов Б.Б. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил, 1-9 б.

4. Махмудов Н., Қосимов А. Ҳудудий саноат тармоқлари иқтисодий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини янада такомиллаштириш йўналишлари / “Ҳудудларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш: халқаро тажриба, услублар ва истиқболлар” илмий мақолалар тўплами, Тошкент, 2019 йил, 23-28 б.



5. Хомидов С.О. Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). И.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. Т.: ТДИУ-2018.13-21 б.

6. Бурханов А.У. Модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида саноат корхоналарини ривожлантиришнинг методологик жиҳатлари // “Иқтисодийот ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015 йил, 1-11 б.

7. Глинский В.В., Серга Л.К., Исмайылова Ю.Н., Зайков К.А. Статистическое исследование перспектив развития пищевой и перерабатывающей промышленности новосибирской области / Конференции образование и предпринимательство в Сибири: направления взаимодействия и развитие регионов», июль, 2019, М.: НГУЭМ, 81-84 с.

8. Sunita Chitkara, Charvi Nagpal. A Non-Parametric Index Number Approach to Investigate Linkages between Manufacturing Sector Development and Public Infrastructure // The Journal of Industrial Statistics (2017), 6 (1), 1-14 p.

9. Shyam Upadhyaya, Petra Kynclova. Big Data – Its relevance and impact on industrial statistics / Inclusive and Sustainable Industrial Development Working Paper Series, WP 11, Vienna-2017, UNIDO, 2-29 p.

10. Maroof Z., Hussain S., Jawad M. Naz M. Determinants of industrial development: a panel analysis of South Asian economies // Quality & Quantity 53(3), 2019, 1391–1419 p.

11. Fuentes Barrera G.A. et al. Trends in global research on industrial parks: A bibliometric analysis from 1996–2019 // Heliyon Vol.7 (2021) e07778, 1-14 p.

12. Shamsuzzaman M. et al. Effective monitoring of carbon emissions from industrial sector using statistical process control // Applied Energy, Vol. 300 (2021) 117352. 1-13 p.

13. Montazeri A., Ansarizadeh M.H., Arefi M.M. A data-driven statistical approach for monitoring and analysis of large industrial processes // IFAC Papers OnLine, Vol. 52, Iss.13 (2019), 2354-2359 p.